

ТОШКЕНТ ШАҲАР СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ  
ҲАЙЪАТИ КАССАЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ  
АЖРИМИ

2025 йил 14 октябрь куни, Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанцияси, суд биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи: судья З.Камолов, судлов ҳайъати судьялари: С.Қўчқаров ва О.Мухаммадиевдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Ш.Махмудовнинг котиблигида, тарафлардан: Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори Ш.Шарипов, маҳкум М.Ахмедовнинг ҳимоячиси – адвокат Б.Қулбошевнинг иштирокида, М.Ахмедовга оид жиноят ишини маҳкум М.Ахмедов томонидан берилган кассация шикоятига асосан кассация тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Миробод туман судининг 04.02.2025 йилдаги ҳукмига кўра,

**Ахмедов Музаффар Шукурджанович** (Axmedov Muzaffar Shukurdjjanovich), 23.11.1986 йил Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, оилали, бир нафар фарзанди бор, муқаддам судланган:

1. ЖИБ Тошкент шаҳар Учтепа туман судининг 19.07.2010 йилдаги ҳукмига кўра, ЖК 241-моддаси 1-қисми билан энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баравари, 336.450 сўм миқдоридан жазо жазоси тайинланган, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 28.09.2010 йилдаги “...амнистия тўғрисида”ги Қарорига асосан жазодан озод этилган;

2. ЖИБ Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туман судининг 29.01.2015 йилдаги ҳукмига кўра, ЖК 169-моддаси 2-қисми “а” банди билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган;

3. ЖИБ Тошкент шаҳар Чилонзор туман судининг 13.10.2015 йилдаги ҳукмига кўра, ЖК 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан, ЖК 57-моддасини қўллаб, ЖК 60, 61, 62-моддалари тартибида 2 йил 11 ой 29 кун муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, ЖИБ Олмалик шаҳар судининг 09.08.2016 йилдаги ажримига кўра, ЖК 74-моддасига асосан ўталмаган 1 йил 11 ой 11 кун жазоси шу муддатга иш ҳақининг 30 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган;



4. ЖИБ Шайхонтохур туман судининг 04.04.2017 йилдаги ҳукмига кўра, ЖК 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан, ЖК 60, 61-моддалари тартибида 5 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, ЖИБ Оҳангарон туман судининг 13.11.2019 йилдаги ажримига кўра, ЖК 74-моддасига асосан ўталмаган 2 йил 8 ой 19 кун жазоси шу муддатга иш ҳақининг 10 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, ЖИБ Учтепа туман судининг 05.10.2021 йилдаги ажримига кўра, ЖК 73-моддасига асосан ўталмаган 1 йил 2 ой 2 кун жазосидан муддатидан илгари шартли озод этилган, Тошкент шаҳар Учтепа тумани Қизил Токзор кўчаси 39-уйда яшовчи, иш бўйича “қамокқа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилиб, 22.09.2024 йилдан буён қамокда сақланаётган, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олганга нисбатан,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддаси 2-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилиб, шу модда билан унга 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, тайинланган жазо қаттиқ тартибли колонияда ўтатирилиши, жазо муддати 22.09.2024 йилдан бошлаб ҳисобланиши;

-ЖК 96-моддасига асосан М.Ахмедовга нисбатан жазони ўташ жойида гиёҳвандлик (а-RVP) ҳамда токсикомания (прегабалин, габапентин, тропикамид)га қарши даволаниш чоралари қўлланилиши,

-М.Ахмедовга нисбатан қўлланилган “қамокқа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси аслича қолдирилиши;

-ашёвий далил, тадқиқотдан қолган ва ДХХ МСБга топширилган 0,29 гр. таркибида а-RVP мавжуд бўлган моддаси йўқ қилиниши белгиланган.

-ашёвий далил, Миробод туман ИИО ФМБ ашёвий далилларни сақлаш хонасида сақланаётган қорамтир рангдаги автолампочка, бир дона тоза лампочка ва бир дона сариқ найчалар ҳукм қонуний кучга киргач йўқ қилиниши;

-ашёвий далил, бир дона диск жиноят иши ҳужжаларида сақланиши,

-ашёвий далил, бир дона “Ред Ми 9” русумли уяли телефон аппарати М.Ахмедовнинг яқин қариндошларига қайтарилиши белгиланган.

Суд ҳукмига кўра, М.Ахмедов 22.09.2024 йил соат 3.30 ларда, Миробод тумани Чинор МФЙ худудида бўлганида, ўзини шубҳали тутганлиги сабабли, Миробод тумани ИИО ФМБ ЖКБ ва ЖТСБ ППХ ходимлари томонидан тўхтатилиб, ён атрофи ҳамда эгнида бўлган кийимлари кўздан кечирилганида, ёнидан “Парламент” номли тамаки қути ичидан елим ўрамга қадоқланган оқ рангли кристал-кукунсимон ҳолдаги моддаси ўтказиш мақсадини кўзламай сақлаб келаётганлиги аниқланиб, ашёвий далил тариқасида холислар иштирокида ҳужжатлаштириб олинган.

Тошкент шаҳар ИИББ ЭКМнинг 22.09.2024 йилдаги судга оид кимёвий экспертизасининг 3660-сонли хулосасига кўра, елим ўрамга қадоқланган оқ рангли кристал-кукунсимон ҳолдаги соф оғирлиги 0,31 граммни ташкил



қилган синтетик модда таркибида (a-PVP) альфапирролидиновалерофенон моддаси эканлиги аниқланган.

Кассация шикоятда, М.Ахмедов биринчи инстанция суди томонидан енгиллаштирувчи ҳолатлар инobatга олинмаганига оид важлар келтириб, пушаймонлиги, жазони ўташда ижобий тавсифланганига кўра, ҳукмда белгиланган жазо чорасини енгиллаштиришни сўраган.

Судлов ҳайъати, иш бўйича судья О.Мухаммадиевнинг маърузасини, Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори Ш.Шариповнинг ҳукми ўзгаришсиз, кассация шикоятини қаноатлантирмасдан қолдириш ҳақидаги хулосасини, маҳкум М.Ахмедовнинг ҳимоячиси – адвокат Б.Кулбошевнинг шикоят важларини қувватлаб, уларни қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, шикоятдаги важларни жиноят иш ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра, ҳукми ўзгаришсиз, кассация шикоятини эса қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Биринчи инстанция суди томонидан жиноят ишини судда кўришда ЖПК 22 ва 26-моддалари талабларига тўлиқ риоя қилинган. Суд ҳукмида баён этилган хулосалар ҳақиқий иш ҳолатига мувофиқ бўлиб, ушбу хулосалар суд муҳокамасида ЖПК 95-моддаси тартибида баҳоланган далиллар билан асослантирилган.

Маҳкум М.Ахмедовнинг мазкур жиноятни содир этишдаги айби, биринчи инстанция судида ҳозир бўлмаган гувоҳ С.Рахимов ва Н.Баймановларнинг тергов даврида берган кўрсатувлари ўқиб эшиттирилганида судланувчи томонидан тасдиқланганлиги, шунингдек жиноят иши ҳужжатларидаги далилий ашёни олиб қўйиш ҳақида баённомаси (и.в. 7), Тошкент шаҳар ИИББ ЭКМнинг 22.09.2024 йилдаги 3660-сонли кимёвий экспертиза хулосаси (и.в. 19-20), нарсани кўздан кечириш баённомалари (57-58, 60-63), нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш қарори (и.в. 53, 59, 64), суд наркологиya марказининг 04.10.2024 йилдаги 2382-сонли далолатномаси (и.в. 74) ҳамда ишдаги бошқа объектив далиллар мажмуи билан тўлиқ ўз исботини топган.

Биринчи инстанция суди маҳкум М.Ахмедовнинг жиноий ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,273-моддаси 5-қисмидан ЖК 276-моддаси 2-қисми “а” бандига қайта квалификация қилиш ҳақида асосли хулосага келган.

Биринчи инстанция суди маҳкум М.Ахмедовга жазо тури ва муддатини белгилашда, унинг шахсини, қилмишидан пушаймонлигини, оилавий шароитини ЖКнинг 55-моддасига мувофиқ жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ЖКнинг 56-моддасига мувофиқ жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб топиб, жазони бошқа енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни, гиёҳвандлик воситаси миқдорини инobatга олиб, унга нисбатан ЖК 276-моддаси 2-қисми “а” банди билан модда санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни ҳамда ЖК 50-моддаси тартибида унга жазони қаттиқ тартибли колонияда ўтатириш,

- Тошкент шаҳар наркологиya марказининг 04.10.2024 йилдаги 2382-сонли далолатномасида, М.Ахмедов гиёҳвандлик (a-PVP) ҳамда



токсикомания (прегабалин, габапентин, тропикамид)га чалинганлиги ва мазкур гиёҳвандлик ва токсикоманиядан даволанишга муҳтожлигини инобатга олиб, унга нисбатан ЖКнинг 96-моддасига асосан жазони ўташ жойида гиёҳвандлик (а-РVP) ҳамда токсикомания (прегабалин, габапентин, тропикамид)га қарши даволаниш чораларини қўллаш ҳақида адолатли хулосага келган.

Шунингдек, биринчи инстанция суди томонидан ашёвий далиллар масаласи ЖК 211-моддасида белгиланган тартибда тўғри ҳал қилинган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 509<sup>7,9,10</sup>-моддаларига амал қилиб, жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанцияси

### А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Жиноят ишлари бўйича Миробод туман судининг 04.02.2025 йилдаги **Ахмедов Музаффар Шукурджанович**га нисбатан чиқарилган ҳукми ўзгаришсиз, кассация шикояти қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Ажримдан норози тарафлар тафтиш тартибида туман суди орқали Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига шикоят бериш ёки протест келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

З.Камолов

Судлов ҳайъати судьялари:

С.Қўчқаров

О.Муҳаммадиев

